ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№73 (1026)
2026 йил 25 август, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 22 августдаги **“Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”** Фармонига мувофиқ, Янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, унинг иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари, жамиятимизда ижтимоий барқарорликни сақлаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг фахрий унвонлари билан мукофотланди.

Улар орасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, йўл қурилиши, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида хизмат қилиб келаётган қуйидаги соҳа фидойилари ҳам бор:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони билан

Ахмедов Бахтиёр Ағзамович – Жиззах шаҳридаги “Агроквант” қурилиш-монтаж корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Тохтаходжаев Саттархужа Рахимджанович – Олмазор туманидаги “Golden Ganj” қурилиш корхонаси устаси, Тошкент шаҳри

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Абдуллаев Мурадулло – Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг маслаҳатчиси

Тухтаев Абдукаххар Хасанович – Тошкент шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Икрамов Жахонгир Камолович – Яшнобод туманидаги “Mizan” масъулияти чекланган жамияти лойиҳа бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

Элмурадов Бобир Хамидович – “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” бош лойиҳа институти давлат муассасаси бош директори

Юсупов Ойбек Тазабаевич – “Тахиатош йўллардан мунтазам фойдаланиш” масъулияти чекланган жамиятининг автогрейдер ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

“Дўстлик” ордени билан

Ан Ирина Борисовна – Мирзо Улуғбек туманидаги “Бунёдкор обод таъмир” бошқарув сервис компанияси раҳбари, Тошкент шаҳри

Гулиева Мадина Гамбаровна – Бухоро шаҳридаги “Зарафшон” бошқарув сервис компанияси раҳбари, Бухоро вилояти

Ражабов Алижон Сувхонович – Олот тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси йўл ишчиси, Бухоро вилояти

Худоев Салим Саидович – “Ўзйўлкўприк” кластерининг Тошкент вилояти филиали давлат муассасаси директори

“Мардлик” ордени билан

Амиров Алишер Хуррамович – Сурхондарё вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Сувонкулов Ахмад Худайшукурович – “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти раиси

“Жасорат” медали билан

Каюмов Кудратилла Каримович – Чилонзор тумани ободонлаштириш бошқармаси махсус автомашина ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

“Шуҳрат” медали билан

Атакулова Мовлуда Юсуповна – Миробод тумани ободонлаштириш бошқармаси ҳудуд фарроши, Тошкент шаҳри

Жабборов Ёқубжон Саматович – Навоий йўллардан мунтазам фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси ҳайдовчиси, Навоий вилояти

Жидиков Андрей Юрьевич – “Тошкент иссиқлик электр маркази” филиалининг марказлаштирилган таъмирлаш цехи чилангари, Тошкент шаҳри

Ирмухамедов Зарип Медхадович – “Тошкент шаҳар сув таъминоти” масъулияти чекланган жамиятининг Миробод тумани сув тармоқлари бўлими бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

Курбанов Курбанбай Ахматович – Ҳазорасп тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси каток ҳайдовчиси, Хоразм вилояти

Курбонов Сардор Алимжонович – Жиззах шаҳридаги “Nurli To'lqin servis” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Жиззах вилояти

Махмудов Эркин Омонович – Бешариқ туманидаги “Farg'ona Yasin qurilish mollari” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Мирджалалов Шерзод Шахабетдинович – Чилонзор туманидаги “Discover invest” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

Муратов Вил Аслямович – Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси фахрийси

Рахимбекова Гулнора Муслимовна – Мирзо Улуғбек тумани ободонлаштириш бошқармаси ишчиси, Тошкент шаҳри

Рахимов Гайрат Абдумажидович – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Ичимлик ва оқова сув тизимларини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Тангриев Панжи Кабилович – Сурхондарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи

Тоҳиров Зафар Зариф ўғли – Бухоро туманидаги “Renessans develop” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Уразов Рустембай Сарсенбаевич – “Қорақалпоқйўлкўкалам” давлат муассасаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Халдеев Юрий Андреевич – Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси фахрийси

Холиқов Шавкатбек Мўминович – Шаҳрихон тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасасининг махсус автомашина ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Холматов Бахтиёр Турсуназарович – Чиноз тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасасининг экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

Юлдашев Жамол Исрайилжанович – Сирдарё туманидаги “Sirdarya ceramic production” масъулияти чекланган жамияти қадоқлаш бўлими қадоқловчиси, Сирдарё вилояти

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today





Тошкентда “Яшил шаҳар” концепцияси давом этади



Тошкентда “Яшил шаҳар” концепцияси доирасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири – Тошкент шаҳар онкология марказининг 4,36 гектарлик ҳудудига дахлдордир. Бинолар бўшатилгач, бу ерда шаҳар аҳли учун очиқ яшил боғ барпо этиш режалаштирилмоқда.

Ёшлар шаҳарчаси боғнинг ўрнини эгалламайди ва унинг ҳудудини қисқартирмайди. Ўқув ва ижодий марказлар, кутубхона, коворкинг-майдонлар, симуляция устахоналари ҳамда стартап-студиялар мавжуд биноларнинг ичига жойлаштирилади. Улар сақлаб қолинади, реконструкция қилинади ва янги ижтимоий фойдали мақсадлар учун мослаштирилади.

Лойиҳада алоҳида бизнес-офислар ёки бошқа тижорат объектларини қуриш кўзда тутилмаган. Бинолар атрофи ободонлаштирилади ва кўкаламзорлаштирилади. Бу ҳудуд яқин атрофдаги маҳаллалар аҳолиси, ёшлар ва барча шаҳарликлар учун очиқ жамоат маскани бўлиб қолади.

Ўз мухбиримиз.





Болажонлар ижодида – катта умидлар!



“Сен кучлисан” ижтимоий лойиҳаси доирасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ ташаббуси билан онкологик касалликлар билан курашаётган жажжи қаҳрамонларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрия тадбири ташкил этилди.

Тадбир давомида болажонлар томонидан чизилган, уларнинг орзулари, умидлари ва беғубор туйғуларини акс эттирган ижод намуналарининг кўргазмаси намойиш этилди.

Эзгу ташаббус доирасида ушбу расмлар иштирокида махсус кимошди савдоси – аукцион ўтказилди. Йиғилган маблағлар расмларни чизган болажонларнинг даволаниш харажатлари ва дори-дармонларига йўналтирилади. Аукционда муассаса ходимлари фаол иштирок этиб, болажонларнинг ижод намуналарини катта қувонч билан харид қилдилар.

Ҳар бир харид – шунчаки расм эмас. Бу болажонларга берилган меҳр, ёрқин келажакка ишонч ва ҳаётга бўлган умиддир!

Ўз мухбиримиз.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик қандай кетяпти?

Август ойининг якуни кўплаб соҳалар учун тиғиз палла ҳисобланади. Хусусан, таълим даргоҳларида иш “қайнайди”. Бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам энг улуғ ва энг азиз байрамга тайёргарлик қизғин тусга киради. Уй-жой ва коммунал хўжалиги тизимидагилар учун эса ёзда ҳам куз-қиш мавзусига тайёргарлик давом этади. Зеро, қиш ғамини ёзда е, деган нақлга амал қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳозирда юртимизда 1,6 миллиондан ортиқ хонадонни қамраб олган 46 мингдан зиёд кўп квартирали уй мавжуд. Кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича жорий йилда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, уйларнинг умумий мол-мулкини сақлаш, техник ҳолатини яхшилаш ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар олиб бориляпти. Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг 48-сон қарори билан кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, умумий мол-мулкни сақлаш ва энергия самарадорлигини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Шунингдек, Ҳукуматнинг 2026 йил 25 июндаги 117-сон баёни билан республика ҳудудларидаги 6 686 та кўп квартирали уйни, яъни қарийб 170 мингта хонадонни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича режа кўрсаткичлари тасдиқланган. Мазкур ишлар учун бошқарув ташкилотларининг 242 миллиард сўм маблағи йўналтирилиши белгиланган.

3 →

Фидокорона меҳнатнинг муносиб рағбати



Қурувчиликни одатий касблар сирасига киритиб бўлмайди. У инсон ҳаёти, жамият тараққиёти ва юрт келажаги билан бевосита боғлиқ масъулиятли касб. Бунёдкор қўли билан қад ростлаган ҳар бир иншоот ортида катта меҳнат, аниқ ҳисоб-китоб, юксак масъулият ва эртанги кунга ишонч мужассам. Шу боис мамлакатимизда қурилиш соҳаси вакилларининг фидокорона меҳнати доимо муносиб қадрланиб келинади.

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хоразм вилоятида фаолият юритаётган “Чинобод қурилиш” хусусий корхонаси ҳам кўп йиллик самарали меҳнати, ишончли лойиҳалари ва бунёдкорлик йўлидаги ташаббуслари билан соҳада муносиб ўрин эгаллаб келаётган жамоалардан. Корхонага 2004 йилдан буён архитектор, тажрибали қурилиш ташкилотчиси Отахон Машарипов раҳбарлик қилиб келмоқда. “Тадбиркорлар куни” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра Отахон Машариповнинг кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакатимиз қурилиш соҳасини ривожлантириш, бунёдкорлик ишларини юксалтириш ва халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш борасидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, у “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

Бу мукофот – бир инсон меҳнатинингина эмас, балки “Чинобод қурилиш” жамоасининг йиллар давомидаги фидокорона меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Бунёдкорликка бағишланган йўл

1981 йилда Хива туманининг Соёт қишлоғида таваллуд топган Отахон Машариповнинг меҳнат фаолияти қурилиш соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. У архитектура йўналишида олий маълумот олгани, соҳага оид билим ва тажрибасини амалиёт билан уйғунлаштириб келаётгани унинг раҳбарлик фаолиятида муҳим ўрин тутади.

“Чинобод қурилиш” хусусий корхонасига раҳбарлик қилган дастлабки йиллариданоқ у қурилишда сифат, масъулият ва замонавий ёндашувни асосий мезон сифатида белгилади. Корхона томонидан амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳада мустаҳкамлик, меъморий ечим, иш сифати ва буюртмачи ишончини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Қурилиш соҳасидаги муваффақият, аввало, ишни тўғри ташкил этиш, жамоанинг салоҳиятини бир мақсадга йўналтира билиш ва ҳар бир ташаббус ортидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиш билан боғлиқ. Шу маънода, Отахон Машарипов раҳбарлигидаги корхона фаолияти йиллар давомида тажриба, салоҳият ва фидокорлик бирлашган масканга айланди.

Бугун қурилиш соҳаси олдида мутлақо янги вазифалар турибди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда, аҳоли учун замонавий ва қулай шароитлар яратилмоқда. Бундай жараёнда тадбиркор қурилиш ташкилотларидан фақат объект барпо этиш эмас, балки сифатли, замонавий ва узоқ йиллар хизмат қиладиган бунёдкорлик маҳсулотини яратиш талаб этилмоқда. “Чинобод қурилиш” жамоаси ҳам ўз фаолиятида ана шу талабларга мос иш юритишга интилмоқда. Корхонада ҳар бир лойиҳанинг пухта режалаштирилиши, қурилиш жараёнида технологик талабларга риоя қилиниши, иш сифати устидан доимий назорат ўрнатилиши муҳим вазифа сифатида қаралади.

Отахон Машарипов учун раҳбарлик фақат топшириқ бериш эмас. Бу, аввало, жамоага ишонч билдириш, мураккаб вазиятларда масъулиятни ўз зиммасига олиш ва бошлаган ишни муносиб якунлашдир. Шу боис корхона жамоасида тажрибали мутахассислар билан бирга ёш кадрларни тарбиялаш, уларнинг касбий салоҳиятини оширишга ҳам эътибор қаратилади.

Отахон Машариповнинг меҳнати аввал ҳам давлат томонидан муносиб эътироф этилган. У “Шуҳрат” медали, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишони, “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони, “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан тақдирланган. Яқиндаги “Меҳнат шуҳрати” ордени эса унинг кўп йиллик меҳнат фаолиятидаги яна бир муҳим эътироф бўлди. Бу мукофот ортида бир неча ўн йиллик изланиш, қурилиш соҳасига садоқат, жамоа билан елкадош меҳнат қилиш ва юрт равнақига ҳисса қўшиш истаги мужассам.

Албатта, давлат мукофоти ҳар қандай инсон учун катта шараф. Бироқ бундай юксак эътироф, айни пайтда, янада катта масъулият ҳам юклайди. Отахон Машарипов учун бугунги мукофот кейинги ишлар учун янги куч ва илҳом манбаидир.

Қурилиш соҳасида меҳнат қилиш – ҳар куни янгидан-янги вазифаларни ҳал этиш демак. Кечаги натижа билан чекланиб қолиш бугунги замон талабига жавоб бермайди. Шунинг учун ташкилотнинг олдида ҳали амалга ошириладиган ташаббуслар, янги лойиҳалар ва муҳим вазифалар кўп.

Давлат мукофоти билан тақдирланиш Отахон Машарипов ва у раҳбарлик қилаётган жамоа учун йиллар давомида қилинган меҳнатнинг муносиб эътирофи бўлди. Энг муҳими, бу юксак мукофот фидокорона меҳнат, ташаббускорлик ва бунёдкорликка бўлган садоқатнинг доимо қадрланишини яна бир бор кўрсатди. Чиндан ҳам, юрт тараққиёти ҳар бир бунёдкорнинг қўлида барпо бўлади. Ана шундай инсонлар бор экан, янги иншоотлар қад ростлайди, шаҳар ва қишлоқлар ободлашади, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган хайрли ишлар давом этади.

Отахон Машариповнинг меҳнат йўли ва “Чинобод қурилиш” жамоасининг фаолияти ҳам ана шундай фидокорлик, салоҳият ва бунёдкорликнинг ёрқин ифодасидир.



Тадбиркорликнинг мустаҳкам пойдевори

Бугунги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим устунларидан бири – ташаббускорлик, изланиш ва меҳнат орқали ўз йўлини топаётган тадбиркорлардир. Зеро, ҳар қандай йирик корхона, аввало, бир инсоннинг орзуси, жасорати ва қатъиятидан бошланади. Кичик ташаббуснинг йиллар давомида улкан ишлаб чиқариш тизимига айланиши эса фақат иқтисодий муваффақият эмас, балки меҳнат маданияти, масъулият ва жамоавий саъй-ҳаракатнинг ҳам яққол ифодасидир.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Шундай инсонлардан бири – тадбиркор Шермуҳаммад Мирзажонов. Унинг ҳаёт йўли оддий қишлоқ муҳитидан бошланиб, бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш соҳасида ўз ўрнига эга бўлган йирик ишлаб чиқариш тизимини яратишгача бўлган машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтгани билан аҳамиятлидир.

1979 йили Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғида туғилган Шермуҳаммад Мирзажонов ёшлигиданоқ яратиш ва изланишга қизиқди. Мактабни тамомлагандан сўнг Наманган вилояти политехника институтининг энергетика факультетида таҳсил олди. Аммо ҳаёт уни фақат бир соҳа доирасида қолдирмади. Тадбиркорликка бўлган қизиқиш уни янги изланишлар, амалий тажриба ва катта мақсадлар сари етаклади. Бугун у қурилиш соҳасида 15 йиллик иш тажрибасига эга малакали мутахассис.



Кичик жамоадан катта саноат сари

Ҳар бир муваффақиятли ишнинг илк қадамлари, одатда, катта имкониятлар билан эмас, балки катта ишонч билан бошланади. Шермуҳаммад Мирзажонов фаолиятидаги ана шундай муҳим бурилишлардан бири 2013 йили “Imperial Granit” МЧЖга асос солингани бўлди. Андижон шаҳрида ташкил этилган корхона дастлаб табиий тошларни қайта ишлаш йўналишида ўз фаолиятини бошлади. Гранит, мармар ва травертин каби табиий материалларга ишлов бериш осон жараён эмас. Унда технология, аниқлик, дид ва энг муҳими, маҳсулот сифатига бўлган масъулият уйғун бўлиши лозим. Шу маънода, “Imperial Granit”нинг босиб ўтган йўли ҳам меҳнат орқали шаклланган тараққиёт тарихидир.

Дастлаб 10–12 нафар ходим билан йўлга қўйилган фаолият бугун мутлақо янги кўлам касб этди. Ҳозирда корхонанинг Андижон, Тошкент ва Навоий вилоятларида ишлаб чиқариш заводлари фаолият кўрсатмоқда. Маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз эҳтиёжларига хизмат қилмоқда, балки Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Беларусь ва Қирғизистон каби давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Бу рақамлар ортида бир муҳим ҳақиқат бор, яъни маҳаллий ишлаб чиқарувчи фақат ички бозорда эмас, ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топиши учун маҳсулот сифати ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Экспорт – шунчаки товарни бир мамлакатдан бошқасига етказиб бериш эмас. У, энг аввало, ишончни экспорт қилишдир. Маҳсулотдан мамнун бўлган харидор эса ишлаб чиқарувчи учун энг холис баҳоловчи ҳисобланади.

Корхона маҳсулотларининг мамлакатимиздаги қатор йирик объектларда қўлланилгани ҳам бу ишончнинг амалий ифодасидир. Жумладан, Ислом цивилизацияси марказидаги Қуръон зали, Имом ал-Бухорий мажмуаси, Хоразмдаги Жалолиддин Мангуберди боғи, Андижон шаҳридаги Ғалаба боғи ҳамда Тошкент Сити мажмуаси каби объектларда мазкур корхона маҳсулотларидан фойдаланилган. Бундёдкорликнинг ўзи ҳам инсонга хос улуғ фазилатдир.

Бир қарашда тош – оддий қурилиш материалидек кўринади. Аммо у моҳир қўллар ва замонавий технология билан уйғунлашганда биноларга кўрк, масканларга салобат ва шаҳарларга ўзига хос қиёфа бағишлайди. Шунинг учун ҳам қурилиш соҳасида яратилган ҳар бир сифатли маҳсулот келажакка қўйилган ўзига хос ҳисса сифатида қадрланади.

Муваффақиятнинг энг катта мезони – инсонлар ишончи

Йирик ишлаб чиқаришнинг асосида, аввало, инсон меҳнати туради. Корхона ва технология қанчалик замонавий бўлмасин, уни ҳаракатга келтирадиган куч – билимли, масъулиятли ва ўз ишига садоқатли жамоадир. Бугун Шермуҳаммад Мирзажонов раҳбарлигидаги “Imperial Granit” МЧЖда мингга яқин ходим меҳнат қилмоқда. Бу эса бир тадбиркорнинг шахсий муваффақияти эмас, балки минглаб инсонларнинг меҳнати ва тақдири билан боғлиқ катта масъулият эканини кўрсатади.

Зеро, тадбиркорликнинг асл моҳияти ҳам шунда: инсон фақат ўз даромадини эмас, балки атрофидаги одамлар учун имконият яратади. Янги иш ўринлари, янги касблар, тажриба ва малака – буларнинг барчаси иқтисодий ўсишнинг инсон ҳаётидаги реал кўринишидир. Бир корхонанинг ривожи кўпинча бутун бир жамоанинг фаровонлиги ва келажак режаларига таъсир кўрсатади.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликка яратилаётган имкониятлар, соҳа вакилларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш сиёсати ҳам ана шундай ташаббускор инсонларни янги марралар сари чорламоқда. Шермуҳаммад Мирзажоновнинг “Тадбиркорлар куни” арафасида “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани унинг кўп йиллик меҳнатига берилган муносиб эътироф сифатида аҳамиятлидир.

Бироқ ҳақиқий тадбиркор учун мукофот ва унвонлар йўлнинг якуни эмас. Уларнинг қиймати янги мақсадлар, янада юқори масъулият ва келгуси режалар билан ўлчанади. Шермуҳаммад Мирзажоновнинг муваффақият ҳақидаги қараши ҳам диққатга сазовор. Унинг фикрича, маҳсулот сифатли чиқиб, харидор – хоҳ у маҳаллий компания бўлсин, хоҳ бошқа давлатдаги ҳамкор – ундан мамнун бўлса, ана шу энг катта ютуқдир.

Аслида, бу фикрда тадбиркорлик фалсафасининг бутун бир мазмуни мужассам. Чунки ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий баҳоси фақат ҳисоботлардаги рақамлар билан эмас, балки инсонлар ишончи билан ҳам белгиланади. Сифатга содиқлик, мижоз розилиги ва ҳалол меҳнат – узоқ муддатли муваффақиятнинг энг мустаҳкам пойдеворидир.

Бугун “Imperial Granit”нинг кечаги кичик жамоадан мамлакатнинг турли ҳудудларида ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган, маҳсулотларини хорижга экспорт қилаётган корхонага айлангани – қатъият ва меҳнатнинг ёрқин самарасидир. Бу йўл – ҳар бир ташаббускор инсон учун ўзига хос сабоқ ҳамдир. Катта натижалар бир кунда яратилмайди. Улар ортида йиллар давомида қилинган изланиш, хатолардан чиқарилган хулоса, тунларни тонгга улаган меҳнат ва энг муҳими, ўз мақсадига бўлган ишонч туради.

Тараққиётга таянч бўлаётган ишбилармон

Ҳукумат қарорига биноан, аҳоли зич яшайдиган Асака туманида кўп қаватли турар жойлар ва ишлаб чиқариш корхоналарини қуришга жиддий киришилган пайтлар. Шунга кўра, лойиҳаларда кўрсатилган объектларда бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Бироқ уларнинг аксарияти белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмади. Бунинг асосий сабаби – қурилиш материалларининг камёблиги ва қимматлиги, қолаверса, уларнинг объектларга ўз вақтида етказиб берилмаётгани эди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бу муаммо кўплаб пудрат ташкилотлари қаторида қурилиш объектларидан бирида меҳнат қилаётган Ойбек Умрзоқовни ҳам жиддий ўйга толдирди. Айнан шу ҳолат унда муаммога ечим топиш, қолаверса, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни кўнглига тугиб қўйди.

Тадбиркор қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бизнес-режа тузиб, Ахтачи саноат ҳудудида фаолият юритган “Исломбой илғор” МЧЖ тугатилгач, унинг ўрнида “Everest stroy servis” МЧЖни ташкил қилди.

Фаолиятни йўлга қўйиш мақсадида шифер маҳсулотлари ишлаб чиқариш учу зарур техника ва ускуналарни Россиядан олиб келиб, заводни ишга туширишдан аввал мутахассислар билан биргаликда туман ҳудудидаги ташландиқ ерларнинг тупроқ таркибини ўрганиб, улардан самарали фойдаланиш имкониятларини излади.

Орадан кўп ўтмай, Ойбек Умрзоқов маҳаллий хомашёдан қурилишбоп шифер ишлаб чиқара бошлади. Дастлаб корхонада йилига 1 миллион дона шифер тайёрланган бўлса, маҳсулотга бўлган талаб ортиши билан ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб борди. Буюртмачи ва пудрат ташкилотларининг эҳтиёжи, айниқса, маҳсулот таннархининг нисбатан арзонлиги ва сифатининг юқорилиги ишлаб чиқаришга бўлган қизиқишни янада кучайтирди. Талабнинг ортиб бориши эса, ўз навбатида, корхона ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги технология ва линияларни ишга тушириш учун кенг имкониятлар яратди.

Ихчам заводнинг металл трубалари

Республикамизда бизнес юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил давом этаётгани соҳа вакиллари учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Ойбек Умрзоқов ҳам ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳар бир ишни аввало бозор талабини ўрганишдан бошлагани яхши самара бермоқда. Жумладан, 2009 йилда у дастлаб республикамиз, кейин эса қўшни давлатлар бозорларини ўрганиб, қайси қурилиш материалларига талаб ва эҳтиёж юқори эканини таҳлил қилди. Ана шу изланишлар натижасида шифер заводи қошида ўзи ишлаб чиққан лойиҳа асосида металл трубалар ишлаб чиқариш линиясини ишга туширди. Янги йўналишнинг йўлга қўйилиши нафақат корхона фаолиятини кенгайтириш, балки аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилди. Хусусан, “Everest” бренди остида иш бошлаган янги цехда 120 нафар киши учун янги иш ўрни яратилди. Бу эса тадбиркорликнинг иқтисодий самараси билан бир қаторда, унинг ижтимоий аҳамияти ҳам юқори эканини кўрсатди.

Буларнинг бари ўз навбатида, нафақат ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, балки ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш орқали маҳсулот сифати ва самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилди. Энг муҳими, буюртмачилар талабини тўла қондириш билан бирга корхона учун маҳсулотларни ташқи бозорга экспорт қилиш имкониятини ҳам кенгайтирди. Бугунги кунда мазкур цехда тайёрланаётган металл трубалар республикамиздаги қатор қурилиш ташкилотларини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда. Шу билан бирга, маҳсулотлар Россия, Озарбайжон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Корхонада маҳсулот турлари кўпайгани сари иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам шунга муносиб тарзда юксалиб борди. Тадбиркор соф фойдани ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш ва фаолият кўламини оширишга йўналтирди. Ана шундай ёндашув корхонанинг барқарор ривожланиши ва бозордаги ўрнини мустаҳкамлашига замин яратмоқда.

Замонавий дастгоҳларнинг афзаллиги

Кейинги йиллари тадбиркор Хитой билан истиқболли ҳамкорлик шартномаларини имзолаб, асбест қувурлари ишлаб чиқариш линияси ҳамда цемент маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган замонавий дастгоҳларни олиб келди. 2014 йилда эса ойна толаси маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ишлаб чиқариш кўлами кенгайган сари янги лойиҳалар ҳам ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, 2021 йилда Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида шифер ва асбест қувурлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир завод ишга туширилди. 2024 йилда эса лойиҳа қиймати 10 миллион доллар бўлган базальт изоляцион панеллар ишлаб чиқарувчи замонавий корхона фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда эса тадбиркор ташкил қилган корхоналарда асбест қувурлари, металл трубалар ва профиллар, замонавий композит шиферлар, шиша ва ойна толаси, шунингдек, базальт изоляцион панеллар каби талабгир, сифатли, чидамли, ҳамёнбоп ва энергиятежамкор қурилиш материаллари тайёрланмоқда.

Маҳсулотлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказиш ва экспорт ҳажмини янада ошириш мақсадида хорижий технологлар ҳам жалб қилинган. Айни пайтда тадбиркор томонидан ташкил этилган корхоналарда 1000 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

Ҳар йили анъанага кўра, “Тадбиркорлар куни” муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фидойи тадбиркорлар давлат мукофотлари билан тақдирланади. Яқинда бу ҳақда Президентимизнинг тегишли фармони билан мукофотланганлар орасида асакалик тадбиркор Ойбек Умрзоқов ҳам борлиги кўпчиликни қувонтирди. У “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Бу юксак эътироф, шубҳасиз, йиллар давомидаги меҳнат, изланиш ва ташаббускорликнинг муносиб баҳосидир.



Эл-юрт манфаати йўлида меҳнат қилишни ҳаётий мақсадига айлантирган тадбиркор бундан кейин ҳам янги изланишлар олиб бориб, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишда давом этишига тилакдошмиз.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик – инқирозга сабаб бўлади



Дилшод ҲОЖИМУРОДОВ,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувини реализация қилиш ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматларидан фойдаланишни назорат қилиш шўъбаси бошлиғи.

Сўнгги йилларда бутун дунё жамоатчилигини ичимлик суви билан боғлиқ вазият хавотирга солиб келмоқда. Иқлимнинг исиб кетиши ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ичимлик суви инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, миллионлаб кишининг ҳаётини хавф остига қўйибгина қолмай, балки хавфли ижтимоий-иқтисодий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

БМТ ҳисоботларига кўра, сифатли ичимлик суви билан етарли даражада таъминланмаганлик ва оқова сувлари тармоқларининг ишламаслиги оқибатида ҳар йили дунёда 780 минг киши дизентерия ва холера (вабо)дан вафот этади. Юнисеф (Unicef) маълумотларига кўра эса, ҳар йили тоза ичимлик суви етишмаслиги оқибатида дунёда 361 минг беш ёшдан кичик бўлган болалар диареядан вафот этади. Халқаро метереология ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб, Ер юзи аҳолисининг 5 миллиарди етарли даражадаги ичимлик сувидан бебаҳра қолиши мумкин. БМТнинг сув кўмитаси ва UNESCO биргаликда тайёрлаган ҳисоботларга кўра, 2050 йилга бориб сувга нисбатан талаб 20-30 фоизга ўсиши тахмин қилинган.

Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам чучук сув ресурслари тақчиллигининг вужудга келишига иқлимнинг ўзгариши сабаб бўлмоқда. Иқлим исиши натижасида тоғлардаги сув захиралари, яъни музликлар йилдан йилга камайиб боряпти.

Аҳолининг жон бошига сув билан таъминланганлик бир йилга Ўзбекистонда 1646 м³ ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич Осиё материгида 5600 м³ ни, дунё бўйича ўртача 5996 м³ ни ташкил қилади. Бу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Ўзбекистонда сув билан аҳоли жон бошига таъминланганлик дунё кўрсаткичидан 3,5 баравар паст. Дунёдаги 92 фоиз ишлатиладиган сув ҳажми қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Сув кўп истеъмол қиладиган ғалла, шоли ва маккажўхори етиштиришга жаҳондаги чучук сувнинг 27 фоизи сарфланади. Масалан, биргина гўшт ишлаб чиқаришга 22 фоиз сув сарфланади.

Аҳоли сонининг ўсиши, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш зарурлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, кўп миқдорда сув талаб қилади. Қолаверса, сув ресурслари тақчиллиги нафақат озиқ-овқат хавфсизлигига, балки аҳоли бандлигига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги сектори аҳолининг тахминан 25-30 фоизини иш билан таъминлайди. Бундан келиб чиқилса, сув ресурслари нафақат озиқ-овқат хавфсизлигига, балки аҳоли бандлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон ҳам сув етишмаслиги, сув манбаларининг қуриши ва ифлосланиши билан боғлиқ айрим муаммоларга дуч келмоқда. Бу муаммоларнинг асосий сабаби – сув қимматбаҳо ресурс эканини тан олмасликдир. Қолаверса, аҳолининг кўпайиши, ишлаб чиқариш корхоналари сонининг ўсиши, ичимлик суви истеъмоли сезиларли даражада ошаётгани, айниқса, ичимлик сувидан суғориш ва бошқа



ноқонуний мақсадларда ўз эҳтиёжидан ортиқ даражада фойдаланиш ҳолатлари ҳам бу жараёнга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ёз ойларида белгиланмаган вақтда экинларни, дарахтларни, кўкаламзор майдонлар ва гулзорларни суғориш, маҳаллаларда аҳоли томонидан ичимлик сувини турли ҳолатларда оқизиб қўйиш, деҳқон фермер хўжаликлари ерлари ҳамда томорқалардаги экин майдонларини ичимлик суви билан суғориш, турли маиший мақсадларда рухсатсиз фойдаланиш ҳолатларининг кўпайиши кўп қаватли турар жойларни юқори қаватига ва марказий тармоқдан сув олувчи чекка ҳудудларга ичимлик суви етиб бормаслигига сабаб бўлмоқда.

Келажакда мамлакатимизнинг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш ва аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳар бир фуқаро, оила, муассаса, корхона-ташкилот, фермер хўжаликлари ичимлик сувини авайлаб-асрашлари, исрофгарчиликка йўл қўймасликлари, ундан оқилона ва самарали фойдаланишлари лозим. Бу, ўз навбатида, юртимиз фаровонлиги ва халқимизни тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражасини яхшилаш, келажак авлодларга тоза ва сифатли ичимлик суви етиб бориш, шунингдек, ичимлик суви етказиб бериш хизматларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Амалдаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга асосан, ичимлик сувидан мақсадсиз ва ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, етказилган зарарлар ҳуқуқбузар шахс ёки субъект томонидан мажбурий қопланишига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг тегишли моддаларига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлиши мумкин. Сув таъминоти корхонасига етказилган зарар кўп миқдорда бўлса, жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси, Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўлими мутахассислари томонидан истеъмолчиларнинг сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидаларига амал қилишлари, ичимлик суви сарфи меъёрларига риоя этилишини таъминлаш, ичимлик сувини беҳуда оқизиб қўймаслик, ичимлик ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатларига йўл қўймаслик, ичимлик суви учун тўловларни ўз вақтида тўлашлари юзасидан аҳоли ўртасида доимий равишда тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, белгиланмаган вақтда экинларни, дарахтларни, кўкаламзор майдонлар ва гулзорларни суғориш, аҳоли томонидан ичимлик сувини турли ҳолатларда оқизиб қўйиш, деҳқон, фермер хўжаликлари ерлари ҳамда томорқалардаги экин майдонларини ичимлик суви билан суғориш, турли маиший мақсадларда рухсатсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда қоидабузарларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилмоқда. Хусусан, 2026 йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматларини кўрсатиш соҳасида жами 494 та қоидабузарлик аниқланиб, 11 та ҳолатда қоидабузарларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларга юборилган. Қоидабузарларга нисбатан 483 та ҳолатда маъмурий жарима қўлланилган.

Хулоса қилиб айтганда, ичимлик сувидан оқилона ва самарали фойдаланиш исрофгарчиликка йўл қўймаслик табиатга ҳам, экология ва оила бюджетига ҳам фойдали.

Қурилиш ташкилотига ходимлари учун неча балл берилади?

Бош директор – 1 балл
Бош муҳандис – 1 балл
Лойиҳа-смета ишлари бўйича муҳандис ёки сметачи – 1 балл
Техник ҳужжатлар бўйича муҳандис – ҳар бир мутахассис учун 1 баллдан, жами 2 балл
Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис – 1 балл
Қурилиш назорати бўйича муҳандис ёки ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш бўйича муҳандис ёки қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш ва уларнинг сифати бўйича инспектор – сертификатланган 1 нафар мутахассисга 1 балл, 2 ва ундан ортиқ мутахассис учун 2 балл
Бош геодезист ёки геодезист ёки муҳандис геодезист ёки геодезик ишлар бўйича муҳандис – 1 балл.
Бундан ташқари, ташкилотда ишловчи ходимлар сонидан келиб чиқиб, максимал 10,4 балл берилади.

Лойиҳа ташкилотига ходимлари учун неча балл берилади?

Бош директор – 1 балл
Асосий иш жойи бўйича 1 нафар лойиҳа бош муҳандиси – 2 балл
Асосий иш жойи бўйича 1 нафар архитектор – 1 балл
Асосий иш жойи бўйича ёки ўриндошлик асосида 1 нафар мутахассис – 1 балл
Энергия самарадорлик бўйича сертификатга эга мутахассис:
1 нафар – 1 балл,
2 нафар – 2 балл,
3 нафар ва ортиқ – 3 балл
Сертификатга эга лойиҳа бош муҳандиси – 2 ва ундан кўп – 2 балл
Сертификатга эга лойиҳа бош архитектори – 1 нафар ва ундан кўп – 2 балл
Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича сертификатланган мутахассис – 1 нафар ва ундан кўп – 2 балл.
Бундан ташқари, ташкилотда ишловчи ходимлар сонидан келиб чиқиб, максимал 8 балл берилади.

Ўз мухбиримиз.

Қурилиш соҳасида қонунийлик ва очиқлик – сифатли фаолият гарови



Қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатишда белгиланган тартиб ва талабларга қатъий риоя этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Зеро, ҳар бир қурилиш объектининг қонуний асосда рўйхатдан ўтказилиши, қурилиш-монтаж ишларининг белгиланган меъёрлар асосида олиб борилиши ҳамда фойдаланишга топширилиши нафақат соҳа тартиб-интизоми, балки фуқароларнинг хавфсизлиги ва манфаатлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Шу мақсадда Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган “Қурилиш монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш” ҳамда “Қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари” маъмурий регламентлари талабларига риоя этилиши мониторинг тартибида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тартиби, ҳужжатларни расмийлаштиришда қонунчилик талабларига амал қилиниши, фуқаролар ва тадбиркорларнинг мурожаатларига муносабат ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мониторинг якунлари соҳа вакиллари учун ўз фаолиятига яна бир бор танқидий назар билан қараш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни белгилаш имконини берди.

Ўрганиш натижалари юзасидан таҳлилий йиғилиш ўтказилиб, унда Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси раҳбарияти ҳамда Вилоят Адлия бошқармаси вакиллари иштирок этди. Йиғилиш давомида аниқланган ҳолатлар атрофлича муҳокама қилиниб, қонунчилик талабларига қатъий риоя этиш, давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча бюрократик тўсиқларга йўл қўймаслик, масъулият ва ижро интизомини янада кучайтириш юзасидан фикр ва таклифлар билдирилди.

Йиғилишнинг иккинчи қисми эса коррупцияга қарши курашиш масалаларига бағишланди. Унда коррупциянинг ҳар қандай кўриниши давлат бошқаруви ва жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши, унинг олдини олиш эса фақатгина жазолаш чораларига эмас, балки аввало ҳалоллик, очиқлик, шаффофлик ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга боғлиқлиги таъкидланди.

Тарғибот тадбири давомида ходимларга хизмат вазифаларини виждонан бажариш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, хизмат мавқеидан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланмаслик ҳамда коррупцион ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш зарурлиги тушунтирилди. Зеро, қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш – фақат ҳужжатлар ва тартибларга риоя қилиш билангина чекланмайди. Бу, энг аввало, инсон манфаатини устувор қўйиш, ҳар бир мурожаат ортида фуқаронинг ишончи ва умиди борлигини ҳис этиш, ўз вазифасига ҳалол ва масъулият билан ёндашиш демакдир.

Бугун амалга оширилаётган бундай мониторинг ва тарғибот тадбирлари соҳада аниқланган камчиликларни бартараф этиш билан бирга, ходимларнинг ҳуқуқий билим ва масъулиятини ошириш, коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш ҳамда давлат хизматлари сифатини янада яхшилашга хизмат қилади. Энг муҳими, қонун устувор бўлган, ҳалоллик ва шаффофлик қадрланадиган муҳитгина жамият ишончини мустаҳкамлайди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик қандай кетяпти?

1

Режага мувофиқ 1 145 та том, 6 687 та кириш йўлаги, 850 та ертўла, 437 та ички муҳандислик қувурлари, 724 та фасад, 28 мингдан ортиқ электр шитлари таъмирланиши, шунингдек, қарийб 1 500 та темир эшик, 6,5 минг квадрат метрдан ортиқ фрамуга ва ромлар бўйича ишлар амалга оширилиши ҳамда 40 мингдан ортиқ энергия тежамкор чироқлар ўрнатилиши режалаштирилган. Ҳисобот даврида белгиланган ишлар доирасида 5 988 та кўп квартирали уйда, яъни режалаштирилган уйларнинг қарийб 90 фоизида тегишли таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шу билан бирга, куз-қиш мавсумини барқарор ўтказиш мақсадида ҳудудларда зарур қурилиш ва таъмирлаш материалларининг захираси шакллантирилмоқда. Хусусан, 108 минг квадрат метр шифер ва фолгаизол, 99,6 минг погон метр турли хилдаги қувурлар, 22 мингта задвижка ва вентил, 15,7 минг квадрат метр ойна ва ромлар ҳамда 1 102 тонна қум-туз аралашмаси захирага жамланган.

Дастурга қўшимча равишда бошқарув органларининг 124 миллиард сўм маблағлари ҳисобидан ҳудудлардаги 2 мингдан ортиқ уйлар мукаммал ва жорий таъмирланди. Йил якунига қадар яна 2 000 га яқин уйни таъмирлаш режалаштирилган. Жорий йилда қўшимча дастурлар доирасида 549 та кўп квартирали уйнинг 495 минг квадрат метр фасад қисмини базальт билан қоплаш ишлари якунланган. Шунингдек, қарийб 30 минг хонадонни қамраб олган 630 та кўп квартирали уйнинг ички иссиқлик тизимларини тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар 546 та уйда мазкур ишлар якунланган.

Кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам тизимли равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” доирасида 12 мингдан ортиқ кўча, 10,2 минг гектардан зиёд туташ ҳудуд, 7,2 минг километрдан ортиқ ариқ ва лотоклар ободонлаштирилди. Шунингдек, 11 минг тоннадан ортиқ чиқинди олиб чиқилди, 5 664 та болалар майдончаси тартибга келтирилди. Ҳудудларни кўкаламзорлаштириш доирасида 104 мингдан ортиқ гул ва бута кўчатлари экилди, 89 мингдан ортиқ дарахтга шакл берилди ҳамда 130 та “кичик яшил боғ” ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, кўп квартирали уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, эҳтимолий авария ҳолатларининг олдини олиш ҳамда аҳоли учун қулай шароит яратиш бўйича ишлар ҳудудларда давом эттирилмоқда.

Сирдарёда тайёргарлик авжида



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида куз-қиш мавсумига тайёргалик кўриш ва қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида коммунал соҳа ходимлари томонидан ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хусусан, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида ҳам кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида ишлар қизғин кетмоқда. Шунингдек, туманнинг Дўстлик маҳалласида жойлашган 7-сонли кўп қаватли уйнинг ертўла қисмидаги марказий оқова сув қувурлари янгисига алмаштирилмоқда. Шу билан бирга, кўп қаватли уйни марказий оқова сув тармоғига уланувчи қувурлари олиб ташланиб, диаметри каттароқ бўлган қувурлар ётқизилди ҳамда тармоққа улаб берилди.

Шунингдек, мавсумга тайёргарлик ишлари Оқолтин туманидаги “Янги давр” МФЙда ҳам давом этмоқда. Хусусан, “Оқолтин таъмирлаш-қурилиш сервис” Бошқарув сервис компанияси томонидан кўп қаватли уйларнинг фасад қисми ва кириш йўлакларида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Айрим кириш йўлакларида таъмирлаш ишлари тўлиқ якунига етказилган.

Гулистон шаҳрида ҳам қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Боғишамол маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи “Зиё Нур Ҳамкор Сервис”



бошқарув сервис компанияси ишчи-ходимлари 10-сонли кўп қаватли уйнинг ертўла қисмидаги оқова сув қувурларини тартибга келтириб, турли хилдаги чиқиндилардан тозалаш ишларини амалга оширмоқда. Шунингдек, Бўстон маҳалласида ҳам ишлар қизғин бўлиб, “Истиқлол коммунал хизмат таъмир” Бошқарув сервис компанияси ишчи-ходимлари томонидан кўп қаватли уйларни ертўла қисмида чиқиндилардан тозалаш ишлари бажарилмоқда.

Байрам арафасида ишга туширилган объектлар

Мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида тадбиркорларимиз халқимизга байрам совғаси сифатида кўплаб объектларни фойдаланишга топширмоқда.



Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳрида қайта тикланувчи энергетика, биотехнологиялар ва замонавий шаҳар инфратузилмасини бирлаштирган илк пилот намойиш объекти – ҳавони тозалаш учун тирик сув ўтлари панеллари билан жиҳозланган замонавий шаҳар транспорт кутиш павильони-фотобиореакторли экологик бекат ишга туширилди.

Лойиҳанинг асосий элементи фотобиореактор бўлиб, унда Ўзбекистон олимлари томонидан ажратиб олинган ва маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган микросувўт штамми етиштирилади. Улар қуёш нури, сув ва карбонат ангидрид (CO_2) ёрдамида фотосинтез жараёнини амалга ошириб, кислород ва биомасса ҳосил қилади.

Андижон вилояти

Марҳамат тумани маҳаллаларида ободонлаштириш, йўллар, ичимлик суви, электр энергияси таъминоти ҳамда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Замонавий лойиҳалар доирасида буюртмачи ташкилот – “Андижон минтақавий йўллар” ДУК томонидан Ўқчи, Кўтарма, Қўрғонча, Оқбош, Қушчи, Шаҳристон маҳаллаларининг 24 километр узунликдаги ички кўчалари асфальтланди. Хусусан, қарийб 4 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган Ўқчи маҳалласи ўтган йили “Оғир маҳалла” тоифасига киритилган эди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида маҳалла инфратузилмаси тубдан янгиланиб, аҳоли учун янада қулай яшаш муҳити яратилди. Катта Ўқчи, Тошлоқ-2, Бозорбоши, Бешкал кўчаларида эса электр ва ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Бухоро вилояти

Шофиркон тумани марказидаги Қалмақон маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйлар инфратузилмасини яхшилашга қаратилган давлат дастурига биноан, бу жойлар бугун бутунлай янги қиёфа касб этди.

Ташқи фасадлар таъмирланиб, замонавий воркаут майдончалари, болалар ўйинғоҳлари барпо этилди. Шунингдек, нуронийлар маскани, кутубхона, дам олиш жойлари ташкил этилгани маҳалла аҳлининг кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқарди.

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳрини бошқаришда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида шаҳар ҳокимлигида янги шаклдаги “Ақлли шаҳар” вазиятлар маркази фаолияти ишга туширилди.

Унинг муҳим жиҳати – 50 тага яқин вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва рақамли сервислари ягона платформага интеграция қилинганидир. Бу эса шаҳардаги турли жараёнларни бир вақтнинг ўзида кузатиш, мавжуд маълумотларни таҳлил этиб, аниқ вазиятда тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Навоий вилояти

Давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг Шимолий кон бошқармасига қарашли 3-гидрометаллургия заводида ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган яна бир муҳим лойиҳа ишга туширилди.

Эндиликда заводнинг биооксидлаш мажмуасида 60 та биореакторни ўз ичига олган 10 та модуль фаолият юритмоқда. Уларда асосан, сульфидли флотацион концентратларни қайта ишлаш жараёни махсус микроорганизмлар иштирокида бажарилади.

Наманган вилояти

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиалини тиббиёт ускуналар билан жиҳозлаш лойиҳаси доирасида байрам арафасида вилоят ҳокимлиги ва Австриянинг “AME International GmbH” компанияси ўртасида тузилган шартномага биноан 63 хил турдаги 329 дона 9,6 миллион евро қийматидаги асбоб-ускуналар ва жиҳозлар олиб келинди.

Йил якунигача яна етти хил, 16 дона 400 минг евро қийматидаги асбоб-ускуна ва жиҳозлар етказиб берилади.









Сирдарё вилояти

Ширин шаҳрида замон талабидаги кўплаб иншоотлар қурилмоқда. Эндиликда хавотир ўрнини хотиржамлик, кутиш ўрнини қувонч, эски уйлар ўрнини янги ҳаёт эгаллаган унутилмас дамлар келди.

Шаҳарнинг Амир Темур номли маҳалласи ҳудудида “Шоҳруҳ-Демирбек” МЧЖ томонидан барпо этилган кўп қаватли турар жойлар калитлари Мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида ўз эгаларига топширилди.

Хоразм вилояти

Эзгулик, меҳр-оқибат ва саховат кўрсатиш ишлари халқимизнинг азалий қадриятларидан саналади.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимизнинг 35 йиллиги муносабати билан “Вақф” хайрия жамоат фондининг Хоразм вилояти филиали томонидан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалардаги 35 нафар болажоннинг хатна тўйлари ташкил этилди.

Тадбир аввалида таниқли санъаткорлар томонидан концерт ташкил қилиниб, сўнгра болажонларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Уларнинг оила аъзолари – ҳомийлар ва ташкилотчиларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Ўз мухбиримиз.

“Тараққиёт”га Янги Ўзбекистон қиёфаси кирмоқда

Кенг кўламдаги бунёдкорликлар бугун чекка маҳаллаларга ҳам Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кирмоқда. “Обод хонадон – Обод кўча – Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш бўйича катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қаровсиз майдонлар ўрнида ишлаб чиқариш, янги хизмат марказлари барпо этилмоқда. Ҳам тиббиёт, ҳам таълим, қўйингки, барча йўналишларда одамлар учун замонавий инфратузилма ҳозирланмоқда. Аҳоли ишли, даромадли бўляпти.



Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Юртимизнинг бошқа ҳудудлари қатори Ангрен шаҳридаги Тараққиёт маҳалласида ҳам ўзгаришлар катта. Маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шу кунларда “Тараққиёт” МФЙни ўз номига муносиб ҳудудга айлантириш борасида ишлар қизғин. Республика ишчи гуруҳи ва Тошкент вилояти ҳокимлиги вакиллари бошчилигида маҳалладаги ўрганишлардан келиб чиқиб, йўл харитаси белгилаб олинди. Ҳозирда маҳалла ичидаги кўчалар, кўп қаватли уйларнинг ташқи қисми, йўлаклари, уйларнинг атрофи, қўйинки ҳудуд кўркига кўрк қўшадиган ҳар бир масала эътибор марказида бўлиб турибди. Маҳалладаги 49 та кўп қаватли уйларнинг ташқи фасад қисми таъмирланди, 152 та кириш йўлаги янги қиёфага келтирилди. Тиббиёт муассасалари йўлаклари ҳам бугунги кунга мос тарзда бунёд қилиняпти. Бу эса аҳолининг яшаш муҳитини янада қулай ва эстетик жиҳатдан жозибадор қилишга хизмат қилади.

Ҳудуд ҳавсизлигини таъминлаш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида маҳалла кўчаларига 138 та замонавий кўча ёритиш чироқлари ўрнатилди. Сим кабеллари тортилиб, кўп қаватли уйлардаги автоматлар янгиларига алмаштирилди.

Маҳаллада ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг бўш вақтини мароқли ва мазмунли ташкил этиш учун ҳудудда 7 та болалар ва 8 та воркаут майдончалари, 6 та мини футбол стадиони барпо этилди. Яқин кунларда маҳаллада кичик кутубхона фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ёзги таътил кунларида ташкил этилган “Долзарб 90 кун” тадбирлари доирасида маҳалладаги 18-умумтаълим мактаби, “Дельфин” сув спорт саройи ва “Кимёгар” спорт мажмуасида спорт тўгараклари ташкил этилиб, мусобақалар ўтказиляпти.

Маҳаллада “Обод хонадон – Обод кўча – Обод маҳалла” мезонларини жорий этишда ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли учун тиббий кўриклар, меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, эҳтиёжманд фуқаролар ҳолидан доимий хабар олиняпти ва ҳар томонлама кўмак кўрсатилмоқда. Шунингдек, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва тижорат банклари кўмагида тадбиркорлар янги корхоналарни ишга туширишяпти. Масалан, ҳудудда қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқараётган тадбиркор дастлаб фаолиятини 33 млн сўм кредит маблағи билан бошлаган бўлса, ҳозирги кунда ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириб, маҳаллада яшовчи кўмакка муҳтож ва ижтимоий реестрга киритилган 40 нафар фуқарони доимий иш билан таъминлади. Айни кунларда ички бозорга 70 турдан ортиқ қандолат маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллик қутлуғ санаси юртимизнинг барча чеккаларида кенг нишонланишига тараддуд кўрилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тараққиёт маҳалласида ҳам ташкил этилди. Кечки оқшом спорт саройида ташкил этилган мазкур байрам дастурида маҳалла аҳли, давлат ва жамоатчилик вакиллари, ёшлар жам бўлишди. “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остидаги фестиваль доирасида “Аёл қадри улуғланган юрт” маънавий-маърифий тадбири, ёшларнинг лойиҳалар тақдимоти ва миллий либослар намойиши ташкил этилди. Байрам дастурида сўз олганлар томонидан Тараққиёт маҳалласида бошланган эзгу ишлар келгусида ҳам давом этиши, аҳоли учун янада қулай ва фаровон ҳаёт яратилиши таъкидланди.

Байрамона муҳит, каттаю кичикнинг юз-кўзида хурсандчилик. Бунинг сабаби эса, аввало, инсон қадрини улуғлашга қаратилган туб ислоҳотлар ҳар бир маҳалла, ҳар бир юртдошимиз тақдирида бўй кўрсатаётгани, яратилаётган имконият ва шароитлар туфайли экани сир эмас.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 25 – 27 август саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Шавкат Ҳамроев,** Хўжалик ишлари бўлими бош мутахассиси **Абдувоҳид Ҳамзаев,**

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” бош мутахассиси **Исмоил Искандаров,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси **Дилшода Эркинова,** бош мутахассиси **Хумоюн Муродов,**

“Qishloqqurilishloyiha” ДМ Геотехник изланишлар бошқарма бошлиғи **Илҳом Усмонходжаев,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ АСС-1 муҳандиси **Шаҳриёр Жахбаров,** ОИСК ҳайдовчиси **Абдурашид Абдураҳимов,** ООПР фарроши **Дилфуза Маллабаева,**

“O‘zshaharsozlik LITI” Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 6-устахонаси архитектори **Азизбек Ҳасанов,** Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси ҳайдовчиси **Мирвоҳид Раҳимбабаев,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассиси **Ксения Карасева,** Қамаши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Ғолиб Муродов,**

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Соҳага инновацион ва муқобил технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бошқармаси бош мутахассиси **Самаджон Икроншоев,** Андижон вилояти филиали Янги Андижон қозонхонаси бошлиғи **Улуғбек Маматожиев,** Бухоро вилояти филиали қоровули **Азамат Саъдуллаев,** Навоий вилояти филиали иссиқлик тармоқлари жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар **Аҳлиддин Алимов,** Тошкент вилояти филиали Иссиқлик назорати инспекцияси бўлими мутахассиси **Баҳром Тошматов,** Бўстонлиқ тумани филиали РК-1 қозонхона қоровули **Бахтиёр Норбеков,** Туғруқхона қозонхона қоровули **Аралбой Джурабаев,** Нурафшон шаҳар филиали электриги **Жалолбек Бешимов,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Комплаенс (ички назорат хизмати) бошлиғи **Шерзод Лутфуллаев,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси хўжалик мудири **Саидмонихон Набиев,**

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “Sohibqiron Elite Stroy” БСК МЧЖ бош директори **Руслан Худойбердиев,** Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Қарши Сити Лидер” БСК МЧЖ бош директори **Олим Мамадаминов,** Тошкент вилояти Зангиота тумани “Саодат ривожланиш” БСК МЧЖ бош директори **Мунира Юсуфаҳмедова,** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Turon Komservice” БСК МЧЖ бош директори **Ринат Гизатулин**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 841.
1261 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – Топширилди – 23.30.